

БУГУННИНГ БАХОНАЛАРИ

"Умматимдан бир тоифаси Қиёматга қадар ҳақ устида туриб, золиб бўлган ҳолларида курашда давом этадилар. Уларга қаршилик кўрсатувчилар ҳам, қийин пайтда ёрдамсиз қолдириб ўзини четга олганлар ҳам уларга зиён келтиролмайди"

(Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларидан).

БУГУННИНГ БАҲОНАЛАРИ

Муаллиф: Доктор Яҳё бин Иброҳим Ал-Яҳё

Мутаржим: Ҳасан Исмоил

Арабчадан эркин таржима

Шеърлар таржимони: Ҳассон ибн Собит

Оламлар Раббиси Аллоҳ Таолога ҳамду санолар бўлсин! Мурсалларнинг энг шарафлиси пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, у зотнинг аҳли оилаларига ва асҳобларига салоту саломлар ёғилсин!

Мен ҳозир бирор илмий иш ёзишни мақсад қилганим йўқ. Бу рисола боблар, қисмларга ҳам ажратмадим. Мақсадим, биз ҳозир турли хил даражадаги мусулмонлар ҳаётида кўп гувоҳ бўлаётган бир амалий мавзунини ўртага қўйишдир. Мазкур воқелик ҳақида баъзи кишилар гоҳо шикоят қилиб қоладилар, яна бошқа бировлар эса уни умуман ҳис ҳам қилмайдилар. Бошқа бир гуруҳ эса шайтоннинг алдови ва фирибига учиб, бу ҳолатни оддий табиий жараён, дея хотиржам юраверади. Мен тилга олинаётган мавзу - даъват ишидаги ҳаракатсизлик ва қоқоқликнинг таърифи, турлари ҳақида сўз юритиб ўтирмайман. Зеро, бу ҳақда жуда кўпчилик уламолар ёзишган ва унинг сабабларини, бартараф этиш чораларини кўрсатиб ўтишган. Менинг бу сўзларим эса фақат даъват ишидан узилиб, йўл-йўлакай тўқилиб қоладиган,

ҳамда ўзларини оқлашга уриниб, келтираётган узрларини ўринли ва Аллоҳ ҳузурида қабул этилади, деб ҳисоб қилаётган кишилар ҳақидаги кузатишлар, мулоҳазалардан иборат холос.

Мен санаб ўтган баҳоналар кузатувлар ва тахминий хулосаларга асослангандир. Албатта даъват йўлидаги кимсаларни амалдан тўхтатиб қўйган сабаб ва иллатларнинг кўпгинаси мен учун қоронғу қолган бўлиши шубҳасиз.

Албатта, бир тўхтаб олиб, ўзларини ўнглаб, қатъий ва самарали ҳаракат қилиш учун куч тўплаётган, ўзларини ҳисоб-китоб қилаётган холис мўминларни юқоридаги тоифага мансуб деб бўлмайди. Ибн Қаййим ҳам тўхтаб турганлардан бир тоифаси ҳақида гапириб, уларнинг ўзларини ўзлари сарҳисоб қилиш ва йўлда давом этишга тайёрланиш учун тўхтаганларини, бу тўхташ ҳам аслида ҳаракат эканини, ишга зарар қилмаслигини таъкидлайдилар. Чунки ҳар қандай амалнинг авжига минган палласи бўлади, ҳар қандай авжнинг сўнггида бир оз тин олиш бўлади, дейдилар у киши. («Мадорижус-солиқийн», 1/267)

Абу Ҳурайра Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар. У Зот дедилар:

«Ҳар бир нарсанинг авжи қизиган пайти бўлади, Ҳар бир авжнинг бир пасайиши бўлади. Шу пайтга келганда инсон агар ўзини ўнглаб олса, ҳақ йўлга яқинлашса, ундан яхшиликни кутинглар. Агар уни кўрсатиб, гап қилинса ҳам у гапга қўшилманглар». («Сунан ат-Термизий», 2453)

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ҳар қандай амалнинг айни ривожланган палласи бўлади. Ҳар қандай ривожнинг сусайган пайти бўлади. Кимки сусайган вақтида менинг суннатимга мойил бўлса, у албатта нажот топади. Кимки бошқа томонга бурилса, албатта ҳалок бўлади». («Муснади Аҳмад», 6473)

Яхши амаллардан четга чиқиб қолаётган, сусайиб кетаётган одамларнинг баҳоналари уларнинг шахслари, яшаш жойлари ва шарт-шароитларига қараб турлича бўлади. Қуйида шундай кишилар тарафидан эшитиш мумкин бўлган баҳоналардан

кенгроқ тарқалганлари ҳақида гапириб ўтамиз.

1. Ёши ўтиб қолганини сабаб қилиш.

Баъзилар ёши ўтиб қолганини сабаб қилади. "Шу пайтгача қилган ишларим мен учун кифоя. Энди ёшим бир жойга бориб қолди", деб диний фаолиятдан ўзини четга тортади ва дунё ташвишлари билан машғул бўлади.

Азиз биродар! Унутманг, бу муборак карвоннинг шарафли йўли ёш билан белгиланмайди. Бу йўлнинг ниҳоясига бу дунёда эмас, фақат жаннатдагина етилади. Шундай экан, мўминни фақат ажалгина ҳаракатдан тўхтатади.

Ҳасан Басрий айтидилар:

- Аллоҳ Таоло солиҳ амал учун ўлимдан ўзга чегара белгиламади.

Саҳиҳайнда Оиша разияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинади:

Варақа ибн Навфал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деган эди:

- Қанийди, ўша кунларгача тирик бўлсам, сизга албатта ёрдам берган бўлардим!

Бир фикр қилинг-а, одамлар дин учун хизмат қилишни чин юракдан орзу қилиб, етолмай кетганлар. Варақа ибн Навфал ўзи кексайиб, кўздан ажраган, куч-қувватдан қолган эканига қарамасдан, динга хизмат қилиш ўрни келганда яна навқирон йигит бўлиб қолишни, бор кучи, имкониятини шу муборак иш учун сарфлашни орзу қилган.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

- Абу Талҳа Ансорий "Бароат" (Тавба) сурасини тиловат қиларди. У Аллоҳ Таолонинг "(Эй мўминлар), **Хоҳ энгил, хоҳ озир** (яъни, ёшу қари) **ҳолингизда жиҳодга чиқингиз!**" деган сўзларига етганида шундай деди:

- Парвардигоримиз бизни ёш бўлсак ҳам, кексайсак ҳам жиҳодга чорлаяпти. Эй болаларим, менинг сафар анжомимни ҳозирланглар!

Шунда унинг фарзандлари айтишиди:

- Эй отажсон, Аллоҳ сизни раҳматига сазовор қилсин. Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга то у кишининг ўлимларига қадар газотларда иштирок этдингиз. Абу Бакр разияллоҳу анҳу билан ҳам, Умар разияллоҳу анҳу билан ҳам улар вафот этгунга қадар бирга жиҳод қилдингиз. Бас, энди бу ёгига мана биз жиҳод қиламиз!

Бироқ Абу Талҳа Ансорий разияллоҳу анҳу ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Ўғиллар оталарини жиҳодга ҳозирлашдан бошқа чора тополмадилар. Абу Талҳа жиҳодга кетаётиб кемада вафот этди. Кемадагилар фақат етти кун деганда ниҳоят бир оролга етиб боришди ва Абу Талҳани ўша ерда дафн этишди. Шунча кун мобайнида Абу Талҳа разияллоҳу анҳунинг жасади бузилмай ўз ҳолида сақланиб турди. (Имом Аҳмад, Зуҳд китоби, 357)

Имом Шофеъий айтадилар:

- Бу дунёда роҳат-фароғат кидириши мурувват аҳлига ярашмайди. Зеро улар барча замонларда қийналиб ҳаёт кечирганлар. (Муҳаммад Рошид, «Ракоик», 60)

Бир зоҳиддан сўрадилар:

- Инсон Аллоҳ назари тушган мўминлардан бўлмоғи учун нималар қилиши лозим?

- У роҳатни тарк этиб, бутун кучини Аллоҳ итоатига багишлаши керак! (Муҳаммад Рошид, «Ракоик», 60)

Имом Аҳмаддан сўрашди:

- Инсон қачон роҳат-фароғат мазасини тотади?

- Жаннатга биринчи қадамини қўйган чоғида! («Табақотул-ҳанобила», 1/293)

Ҳузайфа разияллоҳу анҳудан тирик мурдалар ҳақида сўрашганида, шундай деганди:

- Мункар ишни на қўли, на тили ва на қалби билан инкор этмайдиган киши тирик мурдадир. («Зодул-маод», 1/97)

Пайғамбарлар сийратларига ҳам бир назар ташланг. Уларнинг аксарияти рисолат вазифасини қирқ ёшлардан ўтгач қабул қилиб, то вафотларига қадар даъват йўлида тинмай ҳаракат қилганлар.

Умар разияллоҳу анҳу жароҳат олиб ўлим тўшагида ётган пайтларида ҳам дин ташвиши, уммат ғамида эдилар. Ҳатто шу ҳолатларида ҳузурларига кирган бир ўспиринни кийимини

тўпиғидан тепароққа кўтаришга буюрдилар.

2. Бутун кучи ҳамда вақтини фақат пул топишга сарфлаш.

Баъзи биродарлар ўзларининг сарф-ҳаражатлари катталигини ёки бола-чақа боқишнинг қийинлиги сабаб қилиб кўрсатадилар ва ризқ Аллоҳдан эканини гўё унутадилар. Бу ташвишлар саҳобалар, тобеъинлар ва умматнинг бошқа солиҳ кишилари бошида ҳам бор эди. Аммо бу нарса уларни Аллоҳ йўлидаги ҳаракатдан тўсиб қолмади-ку?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Рухул қудс (Жибрийл) қалбимга солдики, Ҳеч бир зот то ризқини тўлиқ олмагунича ҳаётдан кўз юммайди. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар. Ризқ талабида чиройли ҳаракат қилинглр. Ризқу рўзнинг камроқ ёки секинроқ келиши сизларни маъсият-гуноҳ орқали ризқ қидиришга бошламасин. Зеро, Аллоҳ ҳузуридаги нарсага фақат унинг итоати билан эришилади».

Ибн Қаййим айтадилар:

Набий алайҳис-салом «Бас, Аллоҳдан кўрқинглар. Ризқ талабида чиройли ҳаракат қилинглр», деган сўзлари билан дунё манфаатларию Охиратнинг неъмат ва лаззатларини жам қилдилар. Чунки инсон дунё талабида юрган пайтида Аллоҳдан тақво қилган ҳолда бўлиши, қалб роҳати ва бадан соғлигини йўқотмаслиги, дунёга ҳирс қўйишдан сақланиши, ўз жонини ҳаддан ташқари қийнаб, заҳматга қўйишдан, Ўзини ўтга-чўққа уриб юборишдан тия олиши осон эмас. Бунга фақат Расулуллоҳ алайҳис-салом айтганларидек, «ризқ талабида чиройли ҳаракат қилиши» билангина эришилади. Кимки Аллоҳдан тақво қилса, Охират лаззати ва неъматларини кўлга киритади. Кимки, ризқ талабида чиройли ҳаракат қилса, дунёни деб азобу уқубатларга дучор бўлишдан қутулади. («Ал-фавоид», 43)

Дунё дермиш: кимки менга кулоқ солса,
Унга айтар сирларим бор, агар олса.

Неча-неча дунёсига берилганни,
Даврим келди, деб ўзича керилганни,

Алдаб-сулдаб, тубсиз жарга йиқдим мано
Олиб бориб қаро гўрга тикдим мано.

Бойликларни таҳладилар саржин-саржин
Мен айладим ҳаммасини парчин-парчин!

Имом Молик дедилар:

- Дунё гами учун қанчалик қайғурсанг, қалбингдан ўшанча миқдорда Охират гами чиқиб кетади. Охиратинг учун қанчалик қайғурсанг, қалбинг шунча миқдорда дунё гамидан фориг бўлади. (Имом Аҳмад, Зухд китоби)

3. Касб-кори билан, эгаллаб турган мансаб-вазифалари билан машғул бўлиб, хайрли ишларга вақт ажратмаслик.

Бундайларнинг кўпчилиги "қилаётган ишим ҳам яхшилик-ку", деган фикр билан ўзларини овутадилар. Амри маъруф, наҳйи мункар ишига бирор ҳисса қўшмайдилар.

Тўғри, мансаб ҳам даъват воситаларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ мансабдор шахс шу мақсадни амалга ошириши учун ҳаракат қилиши керак. Суфён ибн Уяйна айтадилар:

- Аллоҳ билан ўзи ўртасидаги ишларни ўнглаб олган банданинг одамлар билан бўладиган ишини Аллоҳ ўзи ўнглайди. Охирати учун елиб-югурадиган инсоннинг дунёвий ишларига Аллоҳнинг ўзи кифоя қилади. (Ибн Таймия, «Фатволар тўплами», 7/10)

Демак, ҳар ким ўз Охиратини ўйлаб кўлидан келганича ҳаракат қилмоғи лозим.

Молик ибн Динор айтади:

- Мўминларнинг қалби яхши амаллар иштиёқи билан қайнаб тошади. Фожирлар қалби эса фисқ-фужур билан лиммо-лимдир.

Аллоҳ Таоло сизларнинг нималарга эътибор бераётганингизга – ташвишларингизга қарайди. Диққат эътиборингиз нималарга қаратилганига аҳамият беринглар!

4. Хайрли ишда ўзини ортиқча санаш.

Бундайлар: "Мен аралашмасам ҳам, бошқалар бу ишни чиройли адо қиляпти-ку. Уларга халал бериб нима қиламан?!" – дейишади. Ажабланарлиси шундаки, дунёвий ишларда, бойлик, мол-давлат тўплашга келганда буларнинг фикри мутлако ўзгача. Бошқалар дунё ишини яхши бажараяпти, мол-давлат топаяпти, мен буларга халакит бериб нима қилдим, демайди?!

"(Эй мўминлар), Парвардигорингиз тарафидан бўлган магфиратга ва кенлиги осмонлару ерча бўлган, тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга ошиқингиз". ("Оли Имрон"-133).

Умар разияллоҳу анҳу ҳар бир яхши ишда Абу Бакр разияллоҳу анҳу билан мусобақа қилардилар. Улар Охират ишларида ҳаминиша бир-бирларидан илдамроқ бўлишга интилардилар. Аллоҳ йўлига даъват этмок ҳар бир мусулмон учун вожибдир. Ушбу фарзи кифояни ҳар ким ўзи кодир бўлган тарафдан амалга оширмоғи лозим. Чунки Аллоҳ Таоло ҳар кимга ҳар хил истеъдод ва имконият ато этган. Киёматда бандалар ана шу нарсаларга биноан ҳам сўроқ қилинадилар.

5. Дастур- қўлланмалар йўқлигидан шикоят қилиш.

Баъзи кишилар ана шундай баҳона билан уламоларни маломат қиладилар ва ҳамма нарсани улардан кутиб ўтирадилар. Аслида биродарларимизнинг бу тарзда ўзларини оқлашлари нотўғри. Чунки бизнинг мухит-вазиятдан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, қиладиган ишларимиз жуда ҳам соддалиги кўриниб қолади. Бундай вазиятда ҳар бир мусулмон ўзи яшаётган маҳалласига ёки ўзининг ишхонаси доирасига муносиб келадиган камтаргина режа, дастур тузиб ҳаракат қилавериши мумкин.

Атрофимизда биз хали қилиб улгурмаган кичик-кичик ишлар шу қадар кўпки, бемалол ўн йиллар давомида ҳеч кимдан улкан

лойихалар кутмасдан Охират уйини обод қилмоғимиз мумкин. Эҳтимол, бу гаплар оддий итоат ёки озгина фидоийлик ўзимизда йўқлиги учун баҳона сифатида тўкиб чиқарилгандир.

Бундан ташқари, шу баҳонада дин ишидан ўзини четга олаётган биродарларимиз канийди дунё ишида ҳам шу йўлни тутсалар. Йўқ, аксинча! Уларнинг баъзилари масалан, уй курмокчи бўлсалар, буни амалга ошириш учун бир неча йиллик улкан лойихаларни тузиб чиқадилар. Ёки бу мақсадларини қандай қилиб рўёбга чиқариш ҳақида бирон жўяли режалари бўлмаса ҳам, эртаю кеч тинмай шунинг ғамида югураверадилар.

Аммо оддийгина диний ишларга келганда, масалан Куръон ўқиш, бир неча оят ёдлаш ёки ҳадис ўрганиш учун ҳеч бир инсон бу кишини каноатлантирадиган режа ёки жадвал тузиб беролмайди.

6. Бошқаларни танкид қилиш билан машғул бўлиш, ҳеч бир олим ёки даъватчидан коникмаслик.

Орамизда «Фалончи дарс беришни билмайди, пистончи мақола ёзишни эплотмайди, фалон киши бошлик бўлишга ярамайди...» ва хоказо сўзлар билан овора бўладиган инсонлар бор. Шу каби бўлар-бўлмас гапларни тарқатиб юрувчи хаваскор танкидчилар ҳам топилади.

Ҳасан Басрий масжидга йигилиб олиб, фақат бировларнинг гийбати билан машғул бўлган кимсалар хусусида шундай деганлар:

- *Булар тоат-ибодатдан малолланиб, ўзлари учун енгил бўлган курук гапга ўтиб олибдилар. Тақволари сусайиб, оғизларига зўр беришибди.*

Авзоъий дедилар:

- *Мўмин киши кам гапириб, кўп амал қилади. Мунофик эса кўп гапириб, кам амал қилади. («Буюк инсонлар ҳаёти», 7/125)*

Ўзгалардаги яхши сифатларни яшириб, ёмон томонларни эса кўпиртириб юрадиган кимсаларни уламолар инсонийликнинг душманлари, деб атаганлар.

Ибн Занжи Багдодий айтади:

*Халк ичра кезарлар кирлар кидириб,
Жами ёмонликни йигиб, сидириб.*

*Айбингни билсалар, ёярлар фақат,
ҳислатинг кўмарлар, қилолмай токат.*

*Нуксонинг топсалар, сайраб, чўкирлар,
Тополмай қолсалар, ёлгон тўкирлар.* («Оқиллар гулшани»,
178)

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу дейдилар:

- Бировларнинг кўзидаги кичкина чўпни илгайсизлар-у, ўз кўзингизда турган каттакон тўнкани кўрмайсизлар.

Шоир айтади:

ўзингнинг айбингга узр топасан,
Айбдорни кўрсанг, дарҳол копасан.

7. «Фақат мен эканманми, ана фалончилар ҳам юрибди-ку!»

Баъзи бировлар Аллоҳ йўлида ҳаракат қилмай юрган ёлғиз ўзи эмаслигини кўриб: "Мана, бир ўзим эмасман-ку", деб ўзларича баҳона қилган бўлишади ва жим ўтирган таникли шахсларни мисол қилиб келтиришади.

Бундай биродар эртага кабрда фақат ўзи ёлғиз ётишини, Киёматда ҳам ўзи алоҳида тирилишини ва Аллоҳ ҳузурида ёлғиз туришини эсдан чиқармаслиги керак. ҳозир бизга баҳона бўлаётган важлар у дахшатли макомларда ҳаргиз жонимизга оро кирмайди.

"У кунда золимларга узр-баҳоналари фойда бермас".

Охират сафари учун озука ғамлаш илинжида аклли ва тақволи одамлар кунни тунга улаб елиб-югураётган бир пайтда санокли

кунларини ҳам беҳуда ўтказмоқ оқил кишининг иши эмас.

Иброҳим Ҳарбий айтади:

- Мен имом Аҳмад билан йигирма йил давомида кишин ёзин, иссиғу совукда, кечаю кундуз бирга юрдим. Шунча пайт ичида орада бирон кун ўтмадики, имом Аҳмад аввалги кунига қараганда кўпроқ амал қилмаган бўлса. (Ибн Жавзий, «Маноқиби Аҳмад», 140)

Ҳаммод ибн Салама айтади:

- Биз қачон Сулаймон Таймий олдига Аллоҳга ибодат қилинадиган пайтда борган бўлсак, уни албатта Аллоҳ итоатида кўрардик. Намоз вақтида борган бўлсак, албатта жойномоз устида топардик, бошқа пайтларда уни ё тахорат олаётган ёки бир касални кўриб келаётган ёхуд жанозадан кайтаётган ёки эса масжидда зикр қилиб ўтирган ҳолатида учратардик. Биз Сулаймон Таймийни Аллоҳга маъсият қилиш нима эканлигини ҳам асло билмаса керак деб ўйлардик.

Жарир ибн Абдулҳамид айтади:

- Сулаймон Таймий ҳар соатда албатта бирон нарса садака қиларди. Агар садака қилгани ҳеч нарса топа олмаса, икки ракаат намоз ўқирди.

8. Ҳаддан ташқари нозик табиатлилик, танкидни кўтара олмаслик.

Кимлардир бировнинг гап сўзини, танкидини кўтаролмайди ёхуд маломатини ёктирмайди. Агар шундай ҳолатга дуч келиб қолса, дарров таъсирланиб, амалдан тўхтайтиди. Бундайлар ишни бузиб қўйишдан кўркадилар ёки ўзларини танкиддан юкори деб биладилар. ўзларини шундай макомга эришган деб ҳисоблайдиларки, энди уларни танкид қилиш мумкин эмас.

Умар разияллоҳу **анҳу** айтардилар:

- Бизга айбларимизни кўрсатган кишини Аллоҳ раҳматига олсин.

Ҳазрат Умар разияллоҳу **анҳу** каердалару бу киши каерда?!

Маишхур халифа Умар ибн Абдулазиз ўз ходимлари Музохимга шундай дердилар:

- Одатда хокимлар авом халкни кузатиб юриш учун махсус "кўзлар-жосуслар" тайин қилишади. Мен сени ўзимни кузатувчи "кўз" этиб тайинладим. Токи мендан бирон номаъкул сўз эшитсанг ёки ўзинг ёктирмаган амални кўрсанг, дарҳол насихат қилиб мени кайтаргин! (Ибн Кутайба, «Уюнул ахбор», 2/18)

Билол ибн Саъд биродарига айтарди:

- Мўмин мўминга ойна дейдилар. Сиз менинг кайси ишимни нотўғри деб биласиз?

Маймун ибн Мехрон шундай дер эди:

- Менга айтсангиз хуш келмайди, деб ўйлаган нарсаларни ҳам юзимга айтинглари. Чунки киши биродарининг юзига у ёктирмайдиган нарсасини **очик** айтмагунича унга насихат қилган бўлмайди.

Олимлардан бири айтади:

- Оқил инсон ўз фикрига олимларнинг ҳам фикрини **кўшмоги**, аклига хикмат эгаларининг аклини ҳам жам этмоги лозим. Чунки кишининг ёлғиз фикри кўпинча хато қилади ва ёлғиз акл одатда адашувчан бўлади.

9. «Менинг қилган ишимнинг кадрига етишмаяпти!»

Кимдир қилаётган амалини ҳеч ким кўрмаётганини ўйлаб ҳаракатни тўхтатади. Гўёки у одамлар учун иш қилаётгандек тутатади ўзини. Бу билан у риёга йўл очган бўлади. Зеро, чин ихлос эгалари ҳақиқий амал учун доимо одамлар кўзидан **йироқ** жойни азиз санаганлар ва ҳолироқ **вақт**ни пойлаганлар. Аммо шундай биродарлар ҳам борларки, улар ўзларининг қилаётган хизматларини такдирлайдиган, эришган ютуқларига баҳо берадиган, хурматларини ўз ўрнига кўядиган бирон кимса йўқлигидан нолиб юрадилар.

Рабиъ ибн Хайсамнинг куйидаги сўзлари нечоғлик ҳақ:

- Аллоҳ юзи учун бўлмаган ҳеч қандай иш узокка боролмайди. («Табакоти Ибн саъд», 6/189)

Ибн Жавзий айтадилар:

- Ниятнинг ҳолислиги шундай бир машъалаки, у инсонни ҳамиша равон жаннат йўлига бошлайди. Фақат ноҳолис кимсаларгина бу йўлдан адашиб, қоқилиб-сурилиб юради.

Жийлоний айтадилар:

- Эй фарзанд, қалбингдаги ният ҳолис бўлмай туриб курук тил билан ҳақ сари бир қадам ҳам боса олмайсан. Зеро, ҳақ сари фақат ҳолис қалб ила юра олишинг мумкин.

Аллоҳ Таоло айтади:

"Биз сизларни Аллоҳ юзи учунгина таомлантираямиз. Сизлардан на бир мукофот ва на миннатдорчилик кутмасмиз. Биз Раббимиздан, унга (дахшатли азобдан) юзлар тиришиб, буришиб қолгувчи бир кунда рўбарў бўлишдан кўркурмиз".

Умар ибн Абдулазизга айтишди:

- Эй амирул мўминийн, Мадинага кўчсангиз бўларди. Агар ажсал етиб ўша ерда ҳаётдан кўз юмадиган бўлсангиз, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларидаги сўнги жойга тўртинчи бўлиб дафн этилардингиз.

- ўзимни шундай шарафга лойик деган хаёл менинг қалбимдан ўтгандан кўра, Парвардигоримнинг дўзахидан бошқа барча азобларга дучор бўлганим яхшироқ,- деб жавоб бердилар халифа. («Буюк инсонлар ҳаёти», 5/141)

10. ҳамма кучини пана-панада рахбар ёки устознинг ўз ишига нолайик экани ҳақидаги сўзлар билан ўтказишга сарф қилиш.

Бундай одам ўз рахбарининг «замонга мос келадиган дастури йўқлиги ёки бирор янгилик пайдо қила олмаслиги, унда жамоатни бошқариш учун лаёкат етишмаслиги» ҳақида хилватда суҳбат куришни хуш кўради. Агар суҳбатдоши унинг бу фикрларини тасдиқлайдиган бўлса, у ҳаракатини давом эттириб, энди бошқа одам билан шу мавзуда суҳбат куришга ўтади. Ваҳоланки, унинг ўзида ўртага ташласа бўладиган бирор таклиф ёки дастур йўқ. Аммо хасад ё эса солиҳ амалдан зерикиш ёки

рахбарликка ўчлик, ўзини кўрсатишга бўлган интилиш уни мана шу кўйга солган бўлади. Ёки бўлмаса, у ёлғиз ўзи жамоатдан узилиб қолишни истамаганидан шундай ишларга кўл уради. Бундай кишилар устози олдида ўзини жуда мулойим тутди. Аммо бир-икки шериги билан ҳоли қолса, уни гийбат қилишга ўтади. Бу жуда ёмон иллатдир.

Суррий Ал-Бағдодий айтадилар: Амалларни бекор қилиб, қалбларни бузиб юбориш, бандани тезда ҳалокатга йўликтуриш, давомли қайғу келтириш, газабни ўзига чакириш, риё, ўзига бино қўйиш, рахбарликни яхши кўриб қолиш каби бахтсизликларга сабаб бўлишида банданинг ўзининг ким эканини билмаслиги ва бошқалар айбини кидиришидан ҳам кўра ёмонроқ нарса кўрмадим. (Муҳаммад Рошид, «Ал-авоик», 148)

Ибн Қаййим ёзадилар:

- Шариат ҳам, хикмат ҳам шуни такозо этадики, Ҳасанотлари кўп бўлган ҳамда дини Ислоҳ йўлида кўп хизматлар қилган инсон баъзи майда хато-камчиликларга йўл қўйса, унга бошқаларга нисбатан кечиримлироқ бўлинади. Зеро, кўл ё денгиз сувига тушган нажосат унинг поклигини кетказа олмагани сингари, бундай мўминнинг Ҳасанотлари олдида ундан содир бўладиган майда тойиши-хатолар кўринмай қолади. Аммо сувнинг ўзи озгина бўладиган бўлса, жиндаккина нажосат ҳам уни нопок қилиб қўйишига кифоя қилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳига отланганларида бу ҳақда хабардор бўлган саҳобалардан бири – Хотаб ибн Абу Балтаъа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўшин тўплаётганлари ҳақидаги хабарни Макка муширикларига етказишга қарор қилади. Аммо Аллоҳ Таоло ўз пайгамбарини бу сирдан вокиф қилади ва у киши икки одамни жўнатиб, уларга Хотаб ёзиб берган хабарномани Маккага олиб кетаётган аёлга етиб олишни ва ундан мазкур хатни тортиб олиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказишни буюрадилар. Бу хиёнат тўғрисида эшитган барча саҳобалар газабга келишади. Умар разияллоҳу анҳу эса пайгамбар алайҳис-саломдан Хотабнинг қалласини олишга рухсат сўрайдилар.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен кайдан биласан, Аллоҳ Таоло Бадрда иштироқ этган барча мўминларга қарата: "Истаган ишингизни қилаверинглар, Мен сизларни кечирдим" деб айтган-ку!", деб Умарни бундай қилишдан кайтарадилар. қаранг, Хотаб разияллоҳу **анху** мусулмонлар зиёнига жосуслик қилиб, **ниҳоятда** катта гуноҳга кўл урди. Аммо шунга қарамасдан бу улуг саҳобийнинг аввал кўлга киритган **Ҳасанотлари** уни ушбу жиноят учун шарият белгилаган ўлим жазосидан тўсишга кифоя бўлди.

*Дини Исломга моддий ёрдам керак бўлган чоғда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳбаларни инфок қилишга чакирдилар. ўшанда Усмон разияллоҳу **анху** жуда катта молни инфок қилиб юбордилар. Шунда пайгамбар алайҳис-салом: "Бундан кейин нима иш қиладиган бўлса ҳам Усмонга зиёни йўқдир!",* дедилар... («Мифтоҳу дорис-саода», 1/176)

Одам ўглин яхши дерлар ёки ёмон,
Бирок ким бор, ёмон хулқдан мутлак омон?!

Бу дунёда ҳеч айби йўқ – яхши, деган
Кани айтчи, фариштадек ким бор экан?!

Кимнинг агар санай олсанг нуксонини,
Айбин ёпиб, олгин унинг сен ёнини.

11. Яхши амалларда бундан унисига бекарорлик билан кўчиб юрмок.

Бундай сифатга эга бўлган инсон бирон ишни маҳкам ушлаб охиригача олиб боролмайди. Енгилтаклиги боис ҳеч бир хайрли ишни узок давом эттира олмайди. У бугун бир яхши ишнинг бошини тутса, эртага яна бошқа бир амал тепасида ҳозир бўлади. У ҳар куни янги бир амал, янги дастур, янги йўналиш топаверади. Бир хайрли ишни маълум муддат мактаб туради-да, бир оз **вақтдан** кейин бошқасини афзал кўриб қолиб, буни ташлаб

ўшанга ўтиб кетади. Охир-окибат ҳамма ишни бир-бир қилиб кўргач, фаолиятдан кўнгли совиб, ўзича кўлини ювиб кўлтикка уради. ҳамма сохани бир-бир тажрибадан ўтказиб **чиқади** ўзича. Аслида ҳар бир киши ўзига муносиб бир хайрли амални тутиб, шу ишда бардавом бўлмоғи афзалдир.

Ибн Қаййим ёзадилар:

- Бу ерда бир нарсага **қаттиқ** эътибор бермок лозим. Баъзи амаллар маълум тоифа инсонлар учун бошқа амалларга қараганда афзалроқ бўлади. Бой-бадавлат киши агар ўзининг хасислик қилаётганини сезса, унинг учун кечалари намозда койим, кундузлари рўзадор бўлишдан кўра садака-эхсонга зўр бериши афзалроқдир. Душманни зир титратадиган жасур баходирлар учун эса жанг майдонида бир соатгина Аллоҳ душманларига қарши **жиход** қилишлари хаж, рўза, закот ва турли нафл ибодатлардан афзалроқ.

Шунингдек, суннатни яхши биладиган, халол-ҳаромни ажратадиган олимнинг халк орасида юриб, уларга панд-насихат қилиши, билмаган нарсаларини ўргатиши унинг ҳеч кимга **кўшилмасдан** узлатга чекиниши ва **вақтини** фақат намоз ўқишига, Куръон тиловати ва тасбехларга багишлашидан кўра афзалроқдир. («Уддатус-собирийн, 93»)

Бакр ибн Абдуллоҳ айтади:

- Замонамиздаги энг илмли кишини кўришни истаганлар **Ҳасан Басрийга** қарасинлар. Биз ундан илмироқ одамни кўрмадик. Замонамиздаги энг тақводор кишини кўрмокчи бўлганлар **Ибн Сийринга** қарасинлар. У гуноҳкор бўлишдан хавфсираб, хатто айрим халол ишларни ҳам қилмай юради. Замонамиздаги энг обид инсонни кўрмокчи бўлганлар **Собит Баннонийга** қарасинлар. Биз ибодатда ундан ўтадиган кишини кўрмадик. У энг **қаттиқ** иссик кунларда ҳам рўзадор бўлиб юрарди. Замонамиздаги ёдлаш хотираси энг ўткир ва эшитган ҳадисини сўзма-сўз аниқ айтиб берувчи кишини кўрмокчи бўлганлар **Катодага** қарасинлар. (Имом **Аҳмад**, Зухд китоби)

12. Устозлар, жамоатлар ва фикрлар орасида кўчиб юриш.

Умар ибн Абдулазиз дедилар: Кимки ўз динини талашиб-тортишишлар майдонига олиб кирмокчи бўлса, доимо шохдан-шоҳга кўчиб юради. Охири ўзи ҳам чарчаб, ҳамма яхши ишларни тарк этади, ёки **шубҳа** ва икқиланишлар касалига мубтало бўлади. Фикри, дунёқараши ва йўналишида барқарорлик йўқолади. Атрофидаги ҳар бир инсонга **шубҳа** билан крайдиган бўлиб қолади. Демак, тўғри йўналишга риоя қилган ҳолда икки дунё яхшилигига сабаб бўлувчи **солиҳ** амаллар устида сабот ва чидам билан бардавом бўлиш инсонни икқиланиш, турланиш, шохдан-шоҳга сакраш ва довдирашлардан сақлайди. Агар сиз ҳақ йўлда кетаётганингизни, Китобу Суннатга маҳкам ёпишганингизни, **солиҳ** салафларнинг йўлларига эргашган эканингизни яхши билган экансиз, энди бошқаларнинг тескари бўлиб олгани сизга зарар етказмайди, фитналар сизни заифлаштирмайди, синовлар сизни йўлдан тўхтата олмайди.

13. ҳоликнинг газабидан кўра кўпроқ одамлар озоридан кўркмок.

Бу дардга чалинган одамнинг хавфу ражоси маҳлукларга боғланиб қолади. Бундай инсонга шайтон васвасаси қилиб айтади:

- Тинч ўтирсанг-чи! Бундай ишларга аралашма! Ахир ҳар бир қадамнинг кузатув остида, озгина ҳаракат қилишинг билан кўлга олинасан, жазоланасан!

Бундай киши кўпгина **солиҳ** амалларни, жумладан, амри маъруф, наҳйи мункарни тарк қилади. Мана шу ҳолатда давом эта бориб, охири Аллоҳнинг дини учун ҳеч қачон газабланмайдиган ҳам бўлиб қолади!

"Албатта, бу шайтон ўзининг дўстларини кўркувга солади. Бас, агар мўмин бўлсанглар, улардан кўркманглар! Мендангина кўркинглар!"

Ибн Қаййим ёзадилар:

- Инсон ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам **хоҳиш-ихтиёри** Аллоҳ

кўлида эканлигига ва У Зот ўзи истаганидек тасарруф юртишига иймон келтирар экан, энди ҳеч қачон бандалардан кўркмайди, умидвор бўлмайди ва уларни бирор нарсага истаганча эгалик қилувчилар сифатида кўрмайди. Аксинча, уларнинг ўзлари бўйсундириб қўйилган, қарам инсонлар эканликларини кўради. Уларни ўзларидан бошқа зот бошқарадиган ва **хоҳлаганича** тасарруф қиладиган кишилар эканликларини англайди. Ана шундан сўнг бу инсон бутун дарду дунёсини Парвардигоридан сўрайди. Ҳеч **вақт** оғиз бандалар кўлига тиқилмайди. Улардан кўркиб, умидвор бўлиб юрмайди. Бундай мўминнинг тавҳиди ва таваккули комил бўлади. Худ алайҳис саломнинг кавмига айтган сўзларини эсланг:

"Менинг ҳам, сизларнинг ҳам Парвардигорингиз (бўлмиш) Аллоҳга таваккул этдим. Кимирлаган жон борқи, У (Аллоҳ) унинг қоқилидан тутгувчидир..."

Агар сен Аллоҳнинг газабини келтирадиган ишни кўриб индамай кетсанг, ўзига зарар ҳам фойда ҳам етказа олмайдиган кимсадан кўркиб, унга амри маъруф наҳйи мункар қилмасанг, бу сенинг ўз нафсингдан гофил бўлиб қолганинг ва Аллоҳдан юз ўгирганингдир. (Ибнул **Қаййим**, «Ал-жавобул-кофий», 44).

Бир араб шоири бу ўринда мана бу шеърни ўқиган:

Акл ўргатиб, айтар бугун ким кимгадир:
«Бахт-саодат сукутдадир, «жим-жим!» дадир.

ўз уйингда тинч яшасанг, маза ҳар кун,
Мухожиру кувилганга аза ҳар кун.

Бахтинг шулдир - сен ҳаммадан кейин юрсанг,
қадамингни аста босиб, «хўп!» деб турсанг.

Бахт изласанг, йўқ қил барча эътирозинг,
Хайдаб юбор газабинггу эхтиросинг!

Ана шунда топарсан сен бахт кушингни
Хушёр бўлгин, йўқотмагин эс-хушингни!»

Бу сўзларга жавоб шулки, бу ҳаётмас!
Тирик инсон сен айтгандай «музлаб» ётмас.

ҳаёт деган машаккатдир, сўнгра роҳат.
Сенга қолса, ўлик уйку – истироҳат.

Тирик инсон дину юртга бўлар калкон!
Хур кишилар душманларни қилар толкон!

Билгил, мағлуб косасидан оқар йиринг.
Бўйин эгма, химоя эт ватан, еринг,

Таслим бўлма, майли кетсин йўгу боринг
Лек кетмасин дину иймон, номус-оринг.

14. Аллоҳ Таоло билан боғланишнинг суствлиги.

Нафл ибодатларнинг камлиги боис ҳам киши суствлашиши мумкин. Чунки сафар озукаси тугаб қолган мусофирнинг йўли унмаслиги бор гап. Шунинг учун салафи-солиҳлар ўзларини нафл намозлар, рўзалар билан тарбиялашга катта эътибор берганлар.

Валид ибн Муслим айтади:

- Авзоъий жойнамозда узок **вақт** қолиб кетарди. То куёи **чиққунга** кадар Аллоҳни зикр қилиб ўтирарди. Айтардики: "Бу салафларнинг одати. Улар тонг отгач, бир-бирларини топиб яна Аллоҳ зикрига ва дин илмига киришардилар". («Буюк инсонлар ҳаёти», 7/114)

Замра ибн Рабиъа айтади:

- Биз хижрий 150 - йилда Авзоъий билан бирга хаж қилдик. Мен хеч қачон унинг чўзилиб ётганини кўрмадим. У кечаси ҳам, кундузи ҳам намоз ўқирди. Агар ковоклари юмилиб кетса, эгарга суюнарди. («Буюк инсонлар ҳаёти», 7/119)

Имом Авзоъий бутун тунни намоз, Куръон тиловати билан ва Охиратни эслаганча йиглаб ўтказардилар. Онаси у кишининг ёнларига кириб, намоз ўқиган жойларини кидириб топарди. У

киши намоз ўқиган ер ҳар доим тунни билан тўккан кўз ёшларидан хўл бўлиб ётарди. («Буюк инсонлар ҳаёти», 7/120)

Ибн Журайж ривоят қилади:

- Мен ўн саккиз йил Ато ёнида юрдим. У кексайиб кучдан қолган пайтларида ҳам намозга турадиган бўлса қилт этмасдан "Бақара" сурасидан икки юз оят ўқирди. («Буюк инсонлар ҳаёти», 5/87)

Нусайр ибн Заълук айтади:

- Рабиъ ибн Хайсам йиглайвериб соқолларини хўл қилиб юборарди ва "Шундай одамларни ҳам кўрдикки, уларнинг ёнида биз ўзимизни бир ўғридек ҳис қилардик" деб айтарди. (Имом Ахмад, Зухд китоби, 448-449)

15. Узининг кобилият ва имкониятларига мос келмайдиган ишларга киришиб кетиш.

Баъзи инсон ўзига муносиб келмайдиган амалга машғул бўлади, натижада муваффақиятсизликка учрайди ва ноумид бўлганича бу амални ташлаб кўяди. Соҳасини ўзгартириб, ишини давом эттириш ҳақида ўйламайди.

Али бин Аби Толиб айтадилар: «*ҳар бир одамнинг кадрикиммати унинг ўз ишини чиройли бажара олишидадир*». Сахобаи киромлар кобилият ва имкониятда бир-бирларидан фарк қилар эдилар. Уларнинг ҳар кайсилари ўзларига мос келадиган амал билан машғул бўлардилар. Улардан бирор кишининг ҳеч бир ҳаракат қилмай ўтиргани кўрилмас эди. Масалан, ҳолид ибн Валид Аллоҳнинг қиличи бўлсалар, Убай Куръонни энг кўп ўқиган киши эдилар. Халол ва ҳаром масалаларини яхши биладиган олим Маоз ибн Жабал эдилар. Абу Зарр –разияллоҳу анху – даъват ишида энг буюк кишилардан саналганлар. Гипор кабиласининг асосий қисми у кишининг кўлларида Исломга келган. Лекин шундай бўлса-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, у киши амирликка муносиб келмас эдилар.

16. ҳаётда ўзининг диний ва дунёвий ишлари ўртасида мувозанат ўрнатолмаслик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Сенинг устингда нафсингни ҳам, аҳли-аёлингни ҳам, хатто мехмонларингни ҳам ҳаққи бор. Бас, уларнинг ҳар бирига ўз ҳаққини адо этгин!»

Баъзи мусулмонлар турли диний ишлар билан машғул бўлиб, зиммасидаги бошқа вожибот ва масъулиятларни эсдан чиқарадилар ёхуд уларга бепарволик билан қарайдилар.

Шундай биродарлардан баъзилари бир кун ўйлаб қараса, ота-онасига бепарволик қилиб, уларни ташлаб қўйган бўлади. Ёки ўз оиласи ва бола-чакасига эътибор бермаган, уларга тўғри тарбия беролмаган бўлиб чиқади. Кейин ўзининг айна жихатларга суст қараганига диний вазифалар билан машғул бўлганини сабаб деб ўйлайди-да, энди асосий эътиборини шуларга қаратиб, даъват ишини мутлако четга суриб кўяди.

Аmmo у барча ишларда мувозанатни сақлай олганида, диний ишлар билан машғулман, деб бошқа оилавий ишларини унутмаганида, унинг ҳам бунинг ҳам ҳаққини ўз вақтида адо этиб юрганида эди, иш бу даражага бориб етмаган бўларди.

17. ҳамма ишни фақат ўзи ўйлаганича бўлишини хоҳлаш.

Баъзи биродарлар бир ишни қилмокчи бўлсалар аввал уни хаёлда бир тасаввур қилиб кўрадилар-да, кейин уни ўзлари қандай тасаввур қилган бўлсалар, шундай амалга ошираман, деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, бу ишни айнан булар ўйлаган тарзда рўёбга чиқариш имкони бўлмайди ёки уларнинг шароитида бунини татбиқ этиб бўлмайди.

Хаёлда тузган режалари амалга ошмай қолгач эса, уларнинг наздида бу фикрлар етишиб бўлмайдиган узок орзу-хаёлга айланиб қолади. Шундан кейин уларга бирон хайрли иш таклиф қилинса, аввалдаги ишларни баҳона қилиб тураверишади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар:

- Аллоҳ Таоло кайси бир бандага яхшиликни ирода этса, уни Узи ўнглаб кўяди. Окибатда у Аллоҳдан фақат ўзига аскотадиган нарсаларнигина сўраб, ўзи учун фойдали илмларга

кизикади. («Ал-иноба», 1/419)

Зайд ибн Али ўглига насихат қилиб деди:

- Эй ўғлим, сенга тааллуқли бўлмаган ишларга кизикавермай, ўзингга керак амаллар талабида бўл. Чунки беҳуда нарсаларни тарк этсанггина, ўзинг учун фойдали амалларга етишасан. Билгинки, сен эртага (Киёмат куни) бугун қилиб улгурган ишларингнинг олдига борасан, пайсалга солиб қолдириб юборган ишларингнинг олдига бормаисан. Хеч қачон кўрмайдиган нарсаларни қўйиб, ўрнига эртага сен албатта кўрадиган нарсаларга эътибор бер! («Ал-иноба», 1/419)

18. Амалларнинг самарасини тезроқ кўлга киртишга ошиқиш ва мақсадга етказадиган йўлнинг олислигидан бетокланиш.

Бундай киши ўзининг аслида Аллоҳ йўлига вақф қилинганини, У Зот буни кайси ўринга ташламасин, бунга заррача аҳамият бермасдан ўз вазифасини бажаравериши лозимлигини унутган одамдир. Бу киши ҳаётдаги тинимсиз саъй-ҳаракатлари учун мукофот ёки олқиш кутиб ўтириши ноўрин эканини хали англай олмаган бўлади.

Фотима бинти Абдулмалик ўзининг умр йўлдоши Умар ибн Абдулазизни таърифлаб шундай дейди:

- Умар ибн Абдулазиз бутун борлигини мусулмонларга, уларнинг ташвишларига бағишлаган эди. Кўпинча кун ботганда ҳам халк ташвишидан бўшамасди. Шунда ана шу ташвишлар билан унинг кунлари тунларига уланиб кетарди.

Умар ибн Абдулазизнинг эски кадрдонларидан бири деди:

- Эй Умар, биз учун ҳам бир **вақт** ажратсангиз...

- Бўш **вақт** қолибдими?- дедилар Умар, - Энди тиним йўқ. Тиним-фарогат фақат Аллоҳ ҳузурида бўлади. («Табакоти Ибн Саъд», 5/397)

Бир гофил Аллоҳ учун тинимсиз ҳаракат қиладиган обиддан сўради:

- қачонгача ўзингни қийнайсан?

- Роҳатга етишгунча. (Муҳаммад Рошид, «Рақоик», 62)

Во ажабким, умидсизлар менга дерлар:
Не хожатдир тўкишингга бунча терлар?!

Етиб бўлмас чўкки сари уриндинг кўп,
қаттиқ ерга дон сепарсан, унмас бир чўп!

Дедим: менга ноумидлик бегонадир,
Уруг мендан, ундирувчи Ягонадир!

18. Яхшилар даврасидан ажралиб қолмок.

Солиҳ амаллар билан **машғул** бўлган кишилардан узокда қолган одам хавои нафс ва шайтон куршовида қолади. Якка ўзи шайтонга қарши курашишига тўғри келади. Хаво, нафси аммора ва шайтон биргалашиб бу инсонни енгиб кўядилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзлари ҳам бежиз эмас:

"Бўри ҳам подадан ажралиб қолган жониворни ейди".

Салафи **солиҳ**лар ҳақиқий биродарлар суҳбатини Аллоҳ фарз этган намоз каби кадрлашган.

Муҳаммад ибн Восеъ айтади:

- Мен учун дунёда жамоат намози ва дўстлар дийдоридан ўзга суюклироқ нарса қолмади. (Имом **Аҳмад**, Зухд китоби, 440)

Ҳасан Басрий айтадилар:

- ҳаётда фақат уч нарса қолди; Бир биродарингки, унинг суҳбатидан сенга фақат яхшилик етади, йўлдан адашсанг тўғирлаб кўяди. Кунлик ризқингки, шу сабабли бировга **оғирлигинг** тушмайди. Жамоат намозики, намознинг хатоларини ёпиб, ажрини вожиб қилади. («Бағдод тарихи»,6/99)

Ҳасан Басрий мўминни таърифлаб шундай дейдилар:

- У ойнадир. Агар биродарида номакбул нарсани кўрса, уни ўнглаб, ҳаққа йўллаб кўяди. ҳам ошкор ва ҳам яширин тарзда уни химоя қилади.

Кўзинг-ла куёшу ойни кўрурсан,
Кўзинг кўрмоқ бўлсанг, ойна сўрурсан.

Умар ибн Абдулазиз айтадилар:

- Ким биродарининг дини хусусида унга панд-насихат қилса ва дунёсининг ҳам ўнгланишига эътибор берса, дарҳақиқат, биродарлик ҳаққини адо қилибди.

Шофеъий айтадилар:

- Насихатимни **қабул** қилган кишига хурматим ошди ва уни дўст деб билдим. Панд-насихатимни рад этган кимсадан кўнглим совуб, ўзимни четга тортдим.

Аллоҳ Таоло йўлдан адашган кимсаларни таърифлар экан, уларнинг панд-насихат қилувчиларни хуш кўрмасликларини айтади.

«Лекин сизлар насихат қилувчиларни яхши кўрмайсизлар».

17. Даъват йўлларининг барчаси тўсиб қўйилган, деган нотўғри фикрлаш оқибатида кўл ковуштириб ўтирмоқ ва янги услублар ҳақида ўйлаб кўрмаслик.

Ожиз маҳлуқлар – уларнинг ким бўлишидан қатъий назар – барча-барча даъват йўлларини, яхшилик эшикларини ёпиб қўйишга кодир, деган тушунча фақат Аллоҳ Таоло хусусида ёмон гумонга борувчи кимсаларнинг хаёлига келиши мумкин ҳолос.

"Улар Аллоҳнинг нуруни огизлари билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар истамасалар-да, ўз нуруни тўла ёйғувчидир". ("Саф" – 8).

Ибн Қаййим ёзадилар:

- *Кофирлар Ислом аҳли устидан тўла-тўқис хукмронлик қилиб турадилар, деган тушунчага келган киши Аллоҳ хусусида ёмон гумонга борган бўлади.*

Ибн Жавзий айтадилар:

- *Шундай зотлар бор-ки, уйгонганларидан бери кўзлари уйку кўрмайди, йўлга тушганларидан бери тўхтамайдилар. Улар*

ҳамиша олга интиладилар. ҳар сафар бир маком юкорига кўтарилсалар, куйидаги нуксонларини кўриб, Аллоҳга истиғфор айтадилар! («Сайдул-хотир», 355)

Хорун Барбарий ривоят қилади:

- Умар ибн Абдулазиз Маймун ибн Мехронни Арабистон жазирасига хирож ва козилик учун масъул этиб тайинлаганида у халифага мактуб ёзди: "Мен кучдан қолган бир чол бўлсам, Сиз эса мени одамларга кози қилиб қўйдингиз!"»

Умар ибн Абдул азиз унга шундай жавоб ёздилар:

- Мен сизга **огир** нарсани юклаб қўйганим йўқ. Покиза нарсалардан хирож йигинг. Билган масалангизга козилик қилинг. Чалкаш масалалар дуч келса, менга жўнатинг. Агар одамлар ўзларига **огир** келган ишни ташлаб кетаверганларида, дин ҳам, дунё ҳам барбод бўлган бўларди. («Буюк инсонлар ҳаёти», 5/74)

Баъза инсоннинг зехнига даъватнинг айрим услубларигина ўрнашиб қолган бўлади. У даъват фақат маърузалар ўқиш, дарс бериш, китоб ва кассеталар **тарқатиш**дан иборат, деб ўйлайди. Бундан бошқа йўллар ҳақида ўйлаб кўрмайди. Хулқда чиройли намуна бўлиш, яхши сўзларни гапириш, амри маъруф, наҳйи мункар қилиш, силаи раҳмни риоя қилиш, одамларга юмшоқ муомала қилиш ва хоказо оддий аммо савобли ишларни эсидан **чиқаради**.

18. Мамлакатлар, шаҳарлар ўртасида кўчиб юриш ва ўзига нотаниш бўлган шароитга тушиб довдираб қолиш.

Баъзи инсон ана шундай вазиятга дуч келиб қолса, янги жойга тезда мослашиб ўша ернинг шароитига мувофик келадиган режа тузиб ололмайди, аклини керакли ўринларда ишлатмайди. Биринчи куниданок ўзи танимаган, билмаган шароитга тўкнаш келади ва умидсизликка тушиб, амалдан тўхтаб қолади. Бу шу инсоннинг янги жойдаги конун-қоидаларни, урф-одатларни, у ердаги одамларнинг расм-русумларини ва бошқа хусусиятларини ўрганишда сусткашлик қилганидан келиб **чиқади**.

Баъзи одам бўлса, маълум бир шаҳарга ёпишиб қолади. Менга

ўша ер афзал, деган хужжат билан доим ўша ерга интилиб туради, ўша ерда яшашга ҳаракат қилади. **Вақтинча** турган ерини эса у каби одмлар учун лойик келмайди, деб ҳисоблайди. Уйламайдики, у ахир даъватчи ва Ислом хизматчисидир. Баъзи ҳолатларда у даъват ишларини бемалол олиб бораётган шаҳар бошқаларга караганда афзал бўлса-да, **бирок** бу мусулмон учун ундан бошқа шаҳарга бориб ишлаш зарурроқ ва авлороқ бўлиши мумкин.

Абу **Хурайра** разияллоҳу **анҳу** айтадилар:

- Аллоҳ йўлида бир кеча жангга шай турмок мен учун "кадр" кечасида "хажарул асвад" ёнида турмокдан яхшироқдир.

Ибн Таймия ёзадилар:

- *Бинобарин, инсон каерда Аллоҳ ва расулига итоатлироқ бўлса, унинг учун ўша ер афзал бўлади. Бу эса вазиятларга қараб ўзгариб туради. Хеч қандай макон инсон учун ҳамиша афзал макон бўлиб турмайди. Инсон каердаки тақво, тоат-ибодат ва хушуъ хузуъда зиёда бўлса, ўша жой унинг учун энг афзал макондир.*

Абуд Дардо разияллоҳу анҳу Салмон Форсий разияллоҳу анҳуга "Мукаддас ерга келмайсизми?!"-, деб мактуб йўллаганида биродари Салмон унга куйидагича жавоб жўнатган эди:

- *Хеч бир жой инсонни мукаддас қила олмайди. Кишининг амали уни азизу мукаддас қилур!*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Салмон разияллоҳу анҳу билан Абуд Дардо разияллоҳу анҳуни ака-ука тутинтиргандилар. Салмон разияллоҳу анҳу биродари Абуд Дардо разияллоҳу анҳудан факихроқ эди. («Фатволар тўплами», 18/283)

19. Айрим мусулмонлар бировга бўйсуншни хоҳламайдилар.

Баъзи кишилар раҳбарлик ва устунликни яхши кўрадилар. Улар модомики ўзлари раҳбар макомида ўтирмас эканлар, даъват ишларига ҳам аралашмайдилар. Узидан бошқага тобеъ бўлишни **оғир** оладилар. Бу кибрлик ва ўзини катта тутишдан келиб

чиқади. Улар фалончининг даражаси пистончидан паст экан, деган гапни эшитишдан кўра ҳаракатни тўхтатиб кўя қолишни афзал биладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

"Бир пода кўй ичига кўйиб юборилган икки оч бўрининг шу подага етказадиган зиёнидан кўра мол-дунё ва шарафга ўч бўлишининг киши динига келтирадиган зарари каттароқдир". («Муснади Аҳмад», 15224, «Сунани Термизий», 2298)

Фузайл ибн Иёз айтадилар:

- Рахбарликни хуш кўрган киши бошқалардан ўзи ажралиб туриши учун ўзгаларнинг айб-камчиликлари фош бўлишидан кувонади. ҳузурида бошқа бировни мактаб тилга олинишини истамайди. Бунчалик риёсатга ошик бўлган кимсадан яхшилик кутмасанг ҳам бўлаверади! (Муҳаммад Рошид, «Ал-авоик», 88)

Убайдуллоҳ ибн Ҳасан суннатга хилоф эътикодидан кайтгач, у кишига:

- Энди сиз илгари эгаллаган юкори макомингизда бўлолмайсиз!- дейишди.

- Ботил ишда бош бўлгунча, ҳақ ишда дум бўлганим яхшироқ!- деб жавоб берди у.

19. Дунёвий ташвишларга кўмилиш.

Уй куриш, катта-катта ишларга кўл уриш каби кишининг йиллаб **вақтини** оладиган дунёвий ташвишлар инсоннинг бутун хаёлини, **вақтини** банд этиб, уни даъват ишидан, Охират ғамини ейишдан чалгитиб кўяди. Ундай одамнинг ҳиссиётлари ҳам сўниб қолади, даъват билан ҳамнафаслиги қолмайди, кўпгина услублар ва фикрларни унутади. Ишлар, вазиятлар эса тўхтамасдан янгиланиб туради. Бир махал қараса, бу киши анча орқада қолиб кетган бўлади. Шундан кейин сояда, нурдан узокроқда ёлгизликда яшашни афзал кўриб қолади.

Аслам Абу Имрон ривоят қилади:

- Биз Рум ерларида **газотда** эдик. Румликлар катта кўшин билан сафга тизилишди. Биз ҳам ўшанча ёхуд ундан-да кўпроқ

қўшин билан қарши чиқдик. Мисрликларга Укба ибн Омир, бутун лашкарга эса Фузола ибн Убайд амирлик қиларди. Шу пайт мусулмонлар орасидан бир киши ажралиб чиқиб румликларга ташланди ва уларнинг сафлари орасига кириб кетди. Одамлар кичкириб юборишди:

- Субханаллоҳ! – дейишди улар. – ўзини ўзи ҳалокатга ташлади-я! Аллоҳ «ўзингизни ўзингиз ҳалокатга ташламангиз», деган.

Кейин Абу Айюб Ансорий туриб гап бошлади:

- Эй одамлар! Сизлар бу оятни хали шунака таъвил қиласизларми? Ушбу оят биз – ансорлар жамоаси хусусида нозил бўлган. Аллоҳ Таоло Исломни азиз этиб, унинг ёрдамчилари кўпайгач, биз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга билдирмасдан ўзаро шундай гап қилдик:

- Мол-давлатимиз йўқ бўлиб кетди. Мана Аллоҳ Таоло Исломни азиз этди, унинг ёрдамчилари кўпайди. Энди биз ҳам мол-давлатимиз билан машғул бўлсак, зое бўлган молларимизни ўнглаб олардик.

Ана шунда Аллоҳ Таоло бизнинг фикримизни рад этиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам га "Аллоҳ йўлида инфок-эхсон қилингиз ва ўзингизни ўзингиз ҳалокатга ташламангиз!"- деган оятни нозил қилди. ҳалокат – бу мол-мулк билан ўралашиб қолиб жиҳодни тарк қилишимиз экан.

Абу Аюб Ансорий Аллоҳ йўлида астойдил жиҳод қилиб ўтди. У Рум ерларига дафн этилди. (Термизий, 2898)

20. ўткинчи вазиятлар, қийинчиликлар сабабли диний ҳаракатдан тўхтаб қолиш.

Баъзилар юртга келган ғаму гурбатлар тарқашини кутиб туришни афзал билади. Хали ҳеч ким ялковлик, уйку ёки ҳаракатсизлик билан бошига тўпланган ғам булутларини тарқатиб юбора олган эмаслигини эсдан чиқаради. Исломнинг аввалида бўлган гурбат қандай қилиб даф этилган эди? Абу Бакр, Умар ва бошқа сахобалар гурбат даф бўлишини кутиб ўтирганмидилар ёки куч ва гайрат билан оёкка туриб ғам-кулфатларни аритганмидилар?!

Шайхул Ислом Ибн Таймия ёзадилар:

- Кўпчилик бир мункарни кўрса ёхуд Исломий ҳолатларнинг ўзгариб кетганига гувоҳ бўлса, заифлашиб, титраб-калтираб қолади. Бамисоли бошига мусибатлар ёгилгандай уввос тортади. Аслида бундай хатти-ҳаракат динда кайтарилган. Мўмин сабр-токатга, таваккулга ва динда собит туришига буюрилган. У иймон келтирсинки, Аллоҳ таъло тақводор бандалар билан биргадир ва окибат тақво эгалариники бўлур. Унинг бошига ёгилаётган мусибатларга ўзининг гуноҳлари сабаб. Бас, сабр қилсин. Аллоҳнинг ваъдаси ростдир. Гуноҳларига истигфор айтсин. Эртаю кеч Аллоҳ Таолони поклаб ҳамду тасбеҳлар ўкисин.

Дин гариб бўлиб бошланди, аста-секин кучайиб азиз бўлди. Худди шундай Ислом баъзи пайтларда ва айрим жойларда заифлашиши мумкин, лекин бироз **вақт** ўтгач у аста-секин албатта яна кучга киради. Масалан, Умар ибн Абдалазиз халифа бўлганларида кўпчилик Исломдан анча бегоналашиб қолганди. Ҳатто мусулмонлар орасида **ароқ**нинг ҳаромлигини билмайдиган одамлар бор эди. Бироқ оз **вақт** ичида Аллоҳ Таоло Умар ибн Абдулазиз орқали Исломнинг гариб бўлиб қолган жихатларини яна азиз этди. («Фатволар тўплами», 18/295-297)

Кулфатлар йўқолишини кутиб ўтирган биродар билмайдикки, бу тўхташ билан у куйига қараб кетади ва иймони заифлашиб бораверади. «Банда доимо кетаётган бўлади. У ҳеч қачон тўхтаб турган бўлмайди. У ё юкорига ёки куйига ё олдинга ёки орқага қараб кетади». – деб ёзадилар Ибн **Қаййим** раҳимахуллоҳ.

На табиатда ва на шариатда мутлако тўхтаб қолиш деган тушунча йўқ. Биз **чиққан** карвон жаннат ёки дўзах сари шитоб билан **яқин**лашиб бормокда. Охират йўлида кимдир тез, кимдир секин ва яна кимдир кеч қолиб одим ташляпти. Бу йўлда юрмасдан ўтириб олган бирон тирик жон йўқ.

Дунёга келдикми, ҳаракат қилишга мажбурмиз. Дунёдаги ҳамма йўллар ё жаннат ва ё дўзахга олиб боради. Гуноҳ-маъсиятлар билан ўралашиб қолган кимса, албатта, **солиҳ**

амалларга кеч қолади...

21. Мансаб-мартабани кизганиш.

Баъзи бировлар эгаллаб турган курсилари ва обрў-эътиборларидан ажралиб қолишдан кўркиб, хайрли амаллардан ўзларини четга тортадилар. Улар шайтон васвасасига учиб бутун диққат-эътиборларини фақат мансаб-мартабаларини мустахкамлашга йўналтиришади. Шайтон бу ҳаракатларини унга жуда тўғри тадбир, деб кўрсатади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар:

« ҳақни кўрсангиз ёки унинг гувоҳи бўлсангиз, одамлардан кўркиш деган нарса сизларни тўғри сўзни айтишдан тўсмасин. Зеро, ҳақни айтишингиз ёки катта бир хатони эслатишингиз на ажални яқинлаштиради ва на ризқни узоклаштира олади! » («Муснади Аҳмад», 11048)

22. Фитналар пайтида шайтон васвасасига дучор бўлиш.

Яна кимдир қийинчилик пайтида ўз-ўзини ҳисоб-китоб қилишга бошлайди. Бироқ у ўз камчиликларини тузатиш, амалларидаги заиф нукталарни ислоҳ қилиш, хушёрлиги ва ҳаракатчанлигини ошириш учун эмас, балки ҳеч бир далил-хужжатсиз ўзининг ахволидан ўзини каноатлантириш учун шу ишни қилади. Фитналарни кўраваериб кўзлари пишиб кетган Хузайфа разияллоҳу **анҳу** шундан кўркар эдилар.

*Абу Масуъуд ансорий разияллоҳу **анҳу** Хузайфа разияллоҳу **анҳу**га дедилар:*

- Менга панд-насихат қилинг!

- ҳақиқий залолат – доим ёмон деб билган ишингизни охири яхши, деб, яхши деб билган ишингизни эса ёмон деб айтмогингиздир! Динда турланишдан эҳтиёт бўлинг! Зеро, Аллоҳнинг дини битта! («Ал-иноба», 1/189-190)

*Адий ибн Хотам разияллоҳу **анҳу** айтадилар:*

- Токи кеча яхши деб билган ишингизни бугун ёмон, ёмонни эса яхши, деб турланмас экансиз ва модомики олимларингиз

орангизда бемалол кўркмасдан гапирар эканлар - хайр-яхшиликдан махрум бўлмайсизлар. («Ал-иноба», 1/190-191)

Иброхим Нахаъий айтадилар:

- Одамлар динда турланишни Аллоҳ хусусида шак-шубҳага боришдан деб биладилар.

Молик айтадилар:

- Динда турланиш бедаво дарддир.

22. "Дин йўлида кўп ҳаракат қилиб чарчадим?!"

Яна кимгадир кулок солсанг, гўёки дин йўлида жонини Жабборга бериб ҳаракат қилган, охири чарчаб ҳолдан тойган бўлиб **чиқади**. Бирок у неча ўн йил қийинчилик тортган экан, буни билмаймиз. Бу инсон салафи **солиҳлар** ҳаётига бир назар ташласа бўларди.

Нух алайҳис салом ўз кавмларини 950 йил даъват қилдилар. Мушрикларнинг барча озор-азиятларига, масҳара-хўрлашларига сабр билан жавоб бердилар.

Ибн Қаййим ёзадилар:

- Аллоҳ Таоло ҳузурида ва Охиратда мартабаси ортишини истаган кишилар ҳам, шунингдек ҳар қандай илм, хунар, саноат ёки риёсат талабгорлари ҳам, ўз сохалари ва мақсадлари йўлида бошқаларга ўртак бўлмок учун куйидаги сифатларни ўзларида жамламоклари лозим:

1. Жасурлик;

2. Вахима-гумонларга берилмаслик;

3. Хаёлпараст бўлмаслик;

4. ўз ишига астойдил берилиш ва, бошқа нарсаларга алахсиб қолмаслик;

5. ўзи интилаётган нарсасининг ошиги бўлиш;

6. Мақсадга олиб борувчи воситалардан бохабар бўлмок;

7. Мақсаддан буриб юборувчи йўлларни ҳам таниб олмок;

8. Гайратли ва сабр-токатли бўлмок;

9. Маломатчининг маломати ва бировларнинг гап-сўзларидан таъсирланмаслик;

10.

*Доимий фикр юритадиган, **огир-***

вазмин бўлиш;

11. *Мактов лаззатлари ва мазаммат азоблари таъсирига тушиб қолмаслик;*

12. *ўзига керакли воситаларни ўзи топа билиш;*

13. *Кутилмаган фавкулудда вазиятларда саросимага тушиб қолмаслик;*

14. *Шиори сабр, ороми эса қийинчиликлар бўлиши; («Ал-фавоид», 19)*

Ибн Мункадир айтади:

- Нафсимни ўнглагунча кирк йил захмат чекдим.

Шайхул-Ислом Собит Банноний айтадилар:

- ўзимни намозга ўргатгунимча йигирма йил қийналдим, кейин эса йигирма йил намоздан роҳат олдим.

Мансур ибн Иброхим айтади:

- Бир киши Рабиъ ибн Хусайм ҳақида: "Мен йигирма йил давомида ундан фақат хайрли гап эшитдим"- деб айтди.

Молик айтадилар:

- Бизнинг давримизда Зайд ибн Собитдан сўнг халкнинг раҳнамози Абдуллоҳ ибн Умар эди. У киши олтмиш йил давомида одамларга фатво бериб турдилар.

Рабиъ ибн Язид айтади:

- Кирк йилдан буён, бетоб ёки мусофир бўлган пайтларимни ҳисобга олмаганда, муаззин пешин намозига азон айтганида мен масжидда ўтирган бўламан.

Улуг муҳаддис Бишр ибн **Ҳасан** Басра масжидида эллик йил мобайнида биринчи сафда туриб намоз ўқигани боис "Саффий" номини олди.

Касир ибн Убайд Химс аҳлига роппа-роса олтмиш йил имомлик қилганига қарамасдан хали бирон марта намозда саҳв қилмаганлиги сабабини сўрашганида у:

- ҳар гал масжид эшигидан кириб келганимда қалбимда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса бўлмасди! – деб жавоб берди.

Ибн **Қаййим** айтадилар:

- *Эй субутсиз инсон! Сен каерда-ю, бу улуг ЙЎЛ кайда? Бу йўлда Одам алайҳис-салом қанча захматлар чекди, Нух алайҳис-*

салом мана шу йўлни деб қанча кўз ёш тўкди, Иброхим Халилуллоҳ оловга улоктирилди, Исмоил алайҳис-салом жонини курбон қилишга тайёр бўлиб пичокка бўйин тутди, Юсуф алайҳис-салом арзимас бахога кул қилиб сотилди ва неча йиллар зиндонда ётди, бу йўлда Закариё алайҳис-салом арраланиб ўлдирилди, покиза зот Яхё алайҳис-салом сўйилди, Айюб алайҳис-салом қанча ранж-алам чекди, Ёкуб алайҳис-салом зиёда кўз ёш окизди, шу йўлни ийсор этгани боис Ийсо алайҳис-салом уй-жой нималигини билмай тоғу-биёбонларда яшади, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам факирлик ва бошқа турли азиятларни бошидан кечирди! Сен эса фақат ўйин-кулгидан бошқани билмайсан!? («Ал-фавоид», 56)

23. «Алҳамду лиллоҳ, мен ҳам яхши одамлар каторидаман. Гуноҳ қилаётганим йўқ, динимга амал қилиб юрибман. ҳамма одам даъватчи бўлавермайди-ку!»

Ибн Қаййим бу ҳақда айтадилар:

- Дин **очиқ**-ойдин ҳаром ишлардан тийилишининг ўзигина эмас. Дин ҳар бир мўмин Аллоҳ Таолога махбуб амалларни адо этиши билан барпо бўлади. Кўпчилик мусулмонлар одатда ҳамма қиладиган амаллар билан кифояланадилар, ҳолос. **Жиход**, амри маъруф, наҳйи мункар, Аллоҳга, Унинг расулига ва мўминларга хизмат қилиш, Аллоҳга, пайгамбарга, Исломга ва Куръонга нусрат-ёрдам бериш деган вожиботларни эса бажариши бир ёкда турсин, хаёлларига ҳам келтирмайдилар. ҳақиқатда эса кимдаким ушбу вожиботларни тарк этса, хатто бутун дунёдан воз кечиб зохид бўлган такдирда ҳам, дини заиф ва Аллоҳга суюксиз кимсалар каторидан жой олади.

Аллоҳ Таоло учун куйиб-ёнмайдиган, ҳаром ишларни кўрганда газаблари кайнамайдиган ва дин нусрати учун ўзини фидо этмайдиган бундай зохидлардан гуноҳи кабира эгалари Аллоҳ наздида **яхшироқ** ахволда бўлса ажабмас. («Уддатус-собирийн», 56).

Аллоҳ Таоло айтади: **«ўзларингизга эътибор беринглар, агар ўзларингиз хидоят топсангизлар, залолатга кетганлар сизларга зарар етказа олмайди»**

Ибн Таймия ёзадилар:

- Хидоят қачонки Аллоҳга итоат қилинса, амру наҳй ва бошқа катор ибодатлардан иборат вожиботлар амалга оширилса, шундагина мукамал бўлади. Бу оятда бир қанча муҳим нуқталар бор.

Биринчи. Мўмин одам кофирлар ва мунофиқлардан кўркмаслиги керак. Агар унинг ўзи хидоят топган бўлса, улар бунга ҳеч қачон зарар етказа олмайдилар.

Иккинчи. Улардан хафа бўлмаслиги, уларнинг қилмишларидан жазавога тушмаслиги керак. Чунки уларнинг гуноҳлари бу мўминга - агар хидоятда бўлса – ҳеч зарари йўқдир. Зарари тегмайдиган нарсага хафа бўлиши эса - беҳуда иш. Мана шу икки маъно Аллоҳнинг **«Сабр қилинг, сабрингиз фақат Аллоҳ мадади биландир. Уларнинг ишларидан хафа бўлманг, улар қилаётган макр-хийлалардан ҳам юрагингиз сиқилмасин»**, деган сўзларида ҳам ифодаланган.

Учинчи. Мўмин одам улар томонга мойил бўлиб қолмаслиги, уларга берилган ҳукмронлик, мол ва айш-ишратларга маҳлиё бўлмаслиги лозим...

Тўртинчи. Маъсият аҳлига нисбатан муомалада шарият белгилаган меъёрдан ташқарига **чиқиб**, зулм қилишга ўтиб кетиши керак эмас. Уларни ёмон кўриши, коралаши, ёмонликдан кайтариши ёки улардан алокани узиши ё эса уларга жазо беришда ҳаддан ошмаслик даркор. Кимки бунга амал қилмайдиган бўлса, унга «ўзингни билгин, агар сен ўзинг тўғри йўлда бўлсанг, адашган одамнинг сенга ҳеч бир зарари йўқдир», деб айтилади... Чунки кўпинча амри маъруф, наҳй мункар қилувчилар ё илмсизлик билан ё эса зулм билан Аллоҳнинг чегараларини бузиб юборадилар. **Хоҳ** кофиру мунофиқлар, **хоҳ** фосику осийлар бўлсин, кимни даъват қилинаётган бўлишидан **қатъий** назар, бу масалага жиддий диққат-эътибор билан қаралиши вожибдир...

Бешинчи. Амри маъруф ва наҳй мункар шариятга мувофиқ равишда илм, мулойимлик, сабр, яхши ният ва ўрта йўлни тутган ҳолда олиб борилиши керак. Чунки бу ишлар Аллоҳнинг **«ўзларингизни билинглар»**, деган сўзи ва **«агар ўзинглар тўғри йўлда бўлсанглар»**, деган кўрсатмаларидан келиб **чиқади**...

...Бу ишларнинг мукобилида бошқа бир тоифа кишиларнинг камчилиги ҳам бор. Улар буюрилган ҳақ ишларни бажармай ташлаб кўядилар. Ёки аниқроғи, бу нарсаларнинг ҳаммасига тегишли бўлган ишга, яъни, амри маъруф, наҳйи мункарга аҳамият бермайдилар. Бу ўринда баъзи салафларнинг мана бу сўзлари **ниҳоятда тўғри айтилгандир**: Аллоҳ **қандай** бир ишни буюрган бўлмасин, бунга шайтон икки хил йўл билан тўскинлик қилади. Кайсиниси билан галаба қозониши унинг учун муҳим эмас. У икки йўлдан бири - динда ҳаддан ошиши, иккинчиси - буйруқларни ташлаб қўйиши. («Фатволар тўплами», 14/480-483)

24. ҳамма диққат-эътиборни, даъватни жамиятнинг фақат муайян бир катламига қаратиш.

Бундай йўл тутган инсон жамият ичидан алоҳида бир тоифани танлаб олиб даъват қилинса, қолган ишлар ўз-ўзидан битиб кетади, деб ўйлайди. Шу фикрга асосланган ҳолда фақат ўшалар билан ҳамкорликда иш олиб боради ва муваффақиятсизликка дучор бўлади. Кейин тушкунлик ва умидсизликка тушиб қолади. Динимиз фақат бир гуруҳ одамлар ёки маълум бир табақа учун хослаб қўйилмагани ҳақида ўйлаб кўрмайди.

Кайси бир даъват ҳаракати агар ўз ишида жамиятнинг биронта табақасини эътиборсиз қолдирар экан, у ноқисдир ва оқибати албатта натижасиздир. Ислом даъвати жамиятнинг ҳамма табақаларини ўз ичига камраб олиши, мавжуд барча кучларни ҳаракатга келтириши билан танилгандир. Жамиятда эътибордан четда қолдириладиган, четга суриб қўйиладиган ёки аксинча, унга суяниб қолинадиган биронта унсур йўқ. Диннинг мукамаллиги ва бутун оламнинг дини эканлигининг аломати шуки, у ҳаммага баробар хитоб қилади ва умматнинг ҳар битта вақили зиммасига ўзига яраша вазифа юклайди. Бу ерда ташқи кўриниш, хайъат ва шаклнинг аҳамияти йўқ.

Хориса ибн Вахб айтдилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деётганларини эшитдим:

«Сизларга жаннат аҳли ҳақида хабар берайми? У ҳар бир заиф, эътиборсиз аммо агар Аллоҳга касам ичадиган бўлса

Аллоҳ, унинг касамини оқлайдиган одамдир. Сизларга дўзах аҳли ҳақида хабар берайми? У ҳар бир кўпол, кекқайган, мутакаббир кимсадир». (Муттафақун алайх, Бухорий – 4537, Муслим - 5092)

Шотибий айтадилар:

Фарзи кифоя, баъзи одамлардан соқит бўлиш эхтимоли билан ҳамманинг устидаги вожибдир. Чунки бу фарз омма манфаати учун амалга оширилади. Шунинг учун бу каби фарзларни бажо қилиш вазифаси умумий равишда ҳаммадан талаб қилинади. Уларнинг ичларидан баъзи кишилар шу ишга бевосита кодир бўладилар. Ана ўша лаёкатли одамлардан бу ишни бажариш тўғридан-тўғри талаб қилинади. Бошқалар эса шу фарзни бажаришга ўзлари кодир бўлмасалар-да, кодир бўлган кишиларни топиб, шу ишга йўллашга кодирдирлар. Шу ишга кодир бўлмаган кишидан талаб қилинадиган нарса кодир бўлган инсонни оёкка тургазиб, уша ишни мажбуран бўлса ҳам қилдиришидир. Демак, кодирдан ўша фарзни бажариш талаб қилинади, кодир эмас инсондан эса кодир кишини олдинга ўтказиш, шу ишга сафабар қилиш талаб қилинади. Чунки кодирнинг бу фарзни бажаришига фақат уни оёкка тургазиш билангина эришилади. Бу вожибни амалга ошириш учун мавжуд бўлиши зарур бўлган воситани вужудга келтириш ҳам вожибдир, деган қоидага биноандир. (Шотибий, «Ал-мувофакот», 1/178-179)

25. Фасод - бузгунчиликнинг кўплиги ва ёмонликнинг авж олганини кўриб, одамлардан узок бўлиш, узлатга чекинишни афзал билиш.

Халқдан ўзини четга олиш, машаккатларни тарк этиш қандай ҳам осон иш, а! Бизга Кўфалик буюк тобей, ажойиб факих, Омир аш-Шаъбий шундай хикоя қиладилар:

Бир гуруҳ одамлар Кўфадан ташқарига чиқдилар-да, яқин орадаги бир жойга тушиб ибодат қила бошладилар. Бу хабар Абдуллоҳ ибн Масъуднинг кулоқларига етди. Шундан кейин у киши бу одамларнинг олдиларига келдилар. Буни кўриб улар ниҳоятда хурсанд бўлиб кетишди. Омир уларга дедилар:

- Сизларни бундай иш қилишга нима мажбур этди?

- *Биз оломоннинг гала-говуридан хотиржамроқ ибодат қилишни хоҳлаймиз – дейишди улар.*

Абдуллоҳ дедилар:

- *Агар ҳамма одамлар сизларга ўхшаб мана шунака иш қиладиган бўлса, унда душманга қарши ким курашади? Сизлар орқангизга кайтмагунингизча мен мана шу турган еримда туравераман!*

Ибн Жавзий айтадилар:

«Дарҳақиқат, «зоҳидлар» кўришпалакларга ўхшайдилар. Улар одамлардан узлатга чекиниб, ўзларини ўзлари дафн қилганлар. Бу иш агар яхшиликдан тўсмаса, масалан, жамоатдан, жанозага иштироқ этишдан, касални зиёрат қилишдан манъ этмаса яхши ҳолат. Бироқ, бу кўркок одамларнинг ҳолатидир. Жасур кишилар эса ўрганадилар ва ўргатадилар. Бу пайғамбарлар алайҳимус-саломларнинг мақомотларидир».

«Дин – узлат», дедилар, мисоли роҳиб,

«Бўлсанг бас, дуою зикрга соҳиб».

Диннинг бир қисмига келтириб иймон,
Ажабким, бир қисмин кўрурлар ёмон.

Дин асли фарзу нафл, тавба, истигфор,
ҳақдан неки бўлса, бунда ўрин бор.

Дин – кудрат, матонат, маърака, майдон!

Даф бўлур ёмонлик, кувилур шайтон!

Дин - Раббинг номи-ла хукм юритмок.

ўрнатиб адолат, зулмни куритмок!

Хотима.

Аллоҳга ҳамду сано, Расулуллоҳга салоту саломлар бўлсин.

Юкоридагилардан келиб **чиқиб** умид билдирамизки, шояд ҳаммамиз Аллоҳнинг йўлидаги даъват ва амри маъруф, наҳйи мункар ишининг аҳамиятини тушуниб етсак. Турли хил катлам ва

табакалари, барча идора ва ташкилотлари билан бир бутун ҳолда тасаввур қилинадиган жамият ичида Аллоҳ ризолиги учун сабр ва чидам билан иш олиб боришнинг зарурлигини зора тўлик англасак.

ҳар битта инсон ўз имконияти даражасида ҳаракат қилмоғи лозим. Дин учун қайғуриш, меҳнат қилиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси устидаги масъулиятдир. Мусулмонман, деган ҳар **қандай** одам учун умумий суратда, даъватчи ва толиби илм учун эса хос равишда Ислом хизмати йўлида ҳисса **қўшиш**, унга даъват қилиш, ўз эътиқодини химоя қилиш вожибдир.

ҳар бир мусулмон яхши билмоғи керакки, бу дунё ҳаётида у ё яхшилик ва иймон сари юксақликка кўтарилиб боради. Ё эса гуноҳ ва нуксон томон пастлаб боради. Бир ерда тўхтаб қолиш ёки дам олиш бўлмайди. ҳар бир киши ўзини ўзи текшириб, ҳисоб-китоб қилсин. ўзи билмаган ҳолда тубанлик жарига думалаб бораётган бўлмасин.

Эй, аҳли илм ва аҳли даъват биродарлар! Аллоҳдан кўркайлик! Аллоҳдан кўркайлик! Ботил аҳли ва фикс-фасод **тарқатувчилар** сизларга ғолиб келиб қолмасин. Агар сизлар паст келсангизлар ёки ялковлик қилсангизлар, албатта фикс аҳли сизлардан устун бўладилар. Ҳатто аҳли оилангиз ва авлодларингизни ҳам мағлуб этадилар.

«Бу кавми кидиришда сусткашлик қилманглар. Агар сизлар азоб тортаётган бўлсангизлар, улар ҳам худди сизлар азоб тортаётгандек азоб тортмоқдалар. Сизлар эса Аллоҳдан улар умид қилмайдиган нарсаларни умид қилаяпсизлар...» («Нисо», 104)

Демак, қийинчилик ва машаққат тортишда мусулмонлар душманлардан фарқ қилмаганлари ҳолда, иймон жихатидан улардан фаркли **ўлароқ**, Аллоҳдан савоб ва галаба умид қиладилар. Шундай экан, мусулмонлар ракиблардан кўра **кўпроқ** ва **қаттиқроқ** ҳаракат қилишга лойиқдирлар.

Эй, азиз биродар! қарагин, яхшиликдан нимани кўлга киритдинг, кайси мусибатларинг эвазига савоб умид қилиб турибсан? Анбиё ва мурсал алайҳимус-саломлар бош бўлган карвонга **қўшган** ҳиссанг нималардан иборат? ҳолбуки, улар жаннатга етиб бориб бўлдилар. Сен **қандай** қилиб улардан ажраб

қолишга ва амалларни чала ташлаб, уларнинг йўлларидан бепарволик билан узоклашиб кетишга рози бўласан?

Эй биродар! Аллоҳ сенга яхшиликлар насиб этсин. Аллоҳ йўлига даъват, амри маъруф, наҳйи мункар ҳамманинг зиммасидаги вожиб ва ҳар бир инсон учун фарздир. Аллоҳнинг китобидан бир оят ўрганган кишининг устида уни бошқага ўргатиш ҳаққи ётади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларидан битта ҳадис ўқиган одамга ўша ҳадисни ўзгаларга етказиш вожиб бўлади. Дин бобида бирор бир масалани тушунган инсон уни шу масаладан фойда оладиган кишиларга етказиши лозим.

Бугун даъват йўллари ва воситалари **ниҳоятда** кўпайган. Сенинг улушинг шулардан қайси бирига тўғри келмокда? Нима учун кўпчилик масжидлар ўзининг обод қилувчилари камлигидан йиғламокда? Нима учун у даргоҳларнинг кўпчилиги ваъзу иршодлардан бўшаб қолган? Шаҳару кишлоқлар жаҳолату бесаводликдан шикоят қилмокда, одамларга яхшилик ўргатувчи муаллимларни кутиб инграмокда! Аксарият рўзнома ва журналлар Аллоҳ учун хужжат коим қилиб мақолалар ёзадиган каламкашлардан ҳоли қолаётир!

Аллоҳ Таоло йўлига даъват қилиш маълум тоифа одамлар эгаллаб оладиган кичкина бир соҳа эмас. Уни алоҳида, чекланган мавсум ва муносабатларга хослаб қўйиб ҳам бўлмайди. У бундай тушунчалардан юксак ва буюқдир. Даъват тиловат қилинадиган оят, ривоят қилинадиган ҳадис, уқитиладиган дарс, ёзиладиган китоб, ўқиладиган маъруза ва таъсирли ваъздир. У нашр этиладиган журнал, **тарқатиладиган** кассета, ҳолис етказиладиган насихат, ёд олинадиган зикр, халолдан топиб, эҳсон қилинадиган мол ҳамда ўргатиладиган фойдали илмдир. У амри маъруф, наҳйи мункар, силайи раҳм, одамларга эзгулик, **қўш**ниларга яхшилик қилиш, факиру мискинларни йўқлашдир.

Демак, шошилининг, шошилининг! Мусобака, мусобака!... Яхшилик ва ҳақиқат йўлида беллашув!...

Абу **Хурайра** ривоят қиладиларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Амал қилиб қолишга шошилининглар. Хали зулматли тун парчаси каби фитналар бошланади. Шунда инсон мўмин

ҳолда тонг оттириб, кофир ҳолда кунни кеч қилади. Ё эса кечкурун мўмин ҳолда бўла туриб, кофир ҳолда тонг оттиради. Динини дунё матохига сотади». (Муслим ривоятлари)

Аллоҳ Таолодан Унинг гўзал исмлари, олий сифатлари билан ёлбориб, ўзининг динига нусрат беришини, бизни шу динга ёрдам берувчилардан қилишини, ўз калимасини олий қилишини сўрайман. Ундан бу уммат учун тоат аҳлини иззат-икром қиладиган, маъсият аҳлига хорлик келтирадиган, фақат яхшилик тарғиб қилинадиган, ёмонлик дарҳол рад этиладиган покиза мухит насиб этишини илтижо қиламан. Пайғамбаримиз Муҳаммадга Аллоҳнинг дуою саломлари бўлсин.

